

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

АКРАМХОДЖАЕВА ДИЛФУЗА ШАКАДИРОВНА

**АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМЛИ КЕЛИБ
ЧИҚИШИ ТУРЛИ БЎЛГАН НЕФРОПАТИЯЛАР
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Акрамходжаева Дилфуза Шакадиловна

Антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган

нефропатиялар клиник-иммунологик

жиҳатлари..... 3

Акрамходжаева Дилфуза Шакадиловна

Клинико-иммунологические аспекты нефропатий

различного генезе с антифосфолипидным

синдромом..... 23

Akramhodzhaeva Difuza Shakadirovna

Clinical-immunological aspects of nephropathies

of different genesis with antiphospholipid

syndrome..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

АКРАМХОДЖАЕВА ДИЛФУЗА ШАКАДИРОВНА

АНТИФОСФОЛИПИД СИНДРОМЛИ КЕЛИБ
ЧИҚИШИ ТУРЛИ БЎЛГАН НЕФРОПАТИЯЛАР
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib234 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.immunology.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Камалов Зайнитдин Сайфутдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна тиббиёт фанлари доктори Сабиров Максуд Атабаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Ш.Х.Зиядуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Кириш (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида сурункали буйрак касалликлари тобора ортиб бормоқда. Касаллик оғир кечиши, беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «...ҳар 10 йилда уремия билан хасталанган беморлар сони йилига 6% га ортиши кузатилмоқда. Буйрак касалликларининг тарқалиши ҳар 10 минг аҳолига 190-200 нафарни, биринчи бор аниқланган сурункали буйрак етишмовчилигининг учраши эса ҳар 1 млн. аҳолига ўрта ҳисобда 80-120 нафарни ташкил этмоқда¹». «Сурункали гломерулонефрит буйрак касалликлари орасида тарқалиши бўйича 2-3 ўринда бўлса, буйрак патологияси туфайли ўлим сабаби бўйича 1-ўринни эгалламоқда²».

Жаҳон миқёсида аутоиммун касалликлар, хусусан, сурункали буйрак касалликларини эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда серологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш, ўткир яллиғланиш жараёнининг медиаторлари миқдорини аниқлаш, касаллик иммуногенетик маркёрларни аниқлаш, қон ивиш тизими кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш, даволашда ген инженерлик препаратларни қўллаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда аутоиммун жараённи эрта ташхислаш, носпецифик ва адаптив иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда керакли рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан аутоиммун касалликлар, хусусан, сурункали буйрак касалликларида кечувчи аутоиммун бузилишлар сабабларини аниқлаш, эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса,

¹ World Health Organization website, 2014.

² Осадчук М.А., Усик С.Ф., Осадчук А.М., Мишина Е.А. Нефрология. Учебное пособие.- М. 2010.- С.25-42.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ги ПФ-4947-сон Фармони

нефропатияларни эрта даврида ташхислаш ва даволашни юқори замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда буйракларнинг қон-томир патологиясига, биринчи навбатда, атеросклеротик шикастланиш ҳамда буйрак артерияларининг васкулитлари билан боғлиқ бўлган касалликларга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Бугунги кунда XX аср охирида таърифланган антифосфолипид синдроми (АФС)га буйрак томирлари шикастланишининг яна бир сабаби сифатида қаралмоқда. АФС - иммун тромбофилияни ўзида мужассам этган, яъни антифосфолипид антителалар (АФЛ – фосфолипидларга қарши антителолар) нинг ортиқча ишлаб чиқарилиши туфайли вужудга келадиган томирлар тромбози билан намоён бўладиган, яллиғланишга боғлиқ бўлмаган аутоиммун касаллик. Бу жараён ҳар-хил калибрдаги қон-томирлар шикастланиши билан кечиши туфайли АФС ўта полиморф (хилма-хил) клиник шаклларда намоён бўлади.

Яқин вақтларгача АФС билан касалланган беморларда буйракларнинг шикастланиш эҳтимолига етарлича аҳамият берилмаган. Бироқ, АФСнинг критериял симптомлари таркибига кичик калибрли томирлар тромбозининг киритилиши бу патологияда буйраклар асосий нишон-аъзолардан бири бўлиши мумкинлиги деган хулосага келишга туртки бўлди ва бу патологик ҳолат “АФС билан ассоциирланган нефропатия” (АФСН) термини билан номланди.

Бугунги кунда АФСН иммунонефрологиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида муҳокама қилинмоқда (Козловская Н.Л, 2016; Метелева Н. А. 2014; Чиж А. С., 2014). АФСда буйрак шикастланишини ўрганиш АФС тўғрисида тушунча ҳали шаклланмасидан туриб бошланган эди (Т.В. Бекетов 2008). Бу тизимли қизил бўрича (СКВ) билан боғлиқ бўлган АФС кечишида тромботик микроангиопатия (ТМА)ни илк бор тасвирлашга уринишлар эди.

Сўнгги йилларда АФСда буйрак шикастланишини ўрганишга эътибор кучайганлигига қарамасдан (Лоран О.Б, 2009; Метелева Н.А. 2004; Fernández Rosado E, 2004; Sinico RA, 2010), АФСНнинг клиник кечишидаги ўзига

хосликлари, хусусан, касалликнинг иммунологик аспекти етарлича ўрганилмаган. АФСда буйраклар шикастланиши (АФСН)ни комплекс аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар республикада деярли ўтказилмаган.

Илмий-тиббий адабиётлар таҳлили АФСНнинг иммунологик тавсифини - яъни, касаллик диагностикаси ва прогнозини баҳолашда иммунологик маркерларнинг клиник-патогенетик аҳамиятини аниқлаш муҳимлигини тасдиқламоқда. Шу сабабли, антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда иммунологик бузилишлар механизмини аниқлаш, мазкур касалликларни ташхислашни такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотиининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФА-А11-Т054 «Антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда иммунологик ўзгаришлар механизмлари» (2012-2014 йй) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: антифосфолипид синдромли (АФС) келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларнинг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

антифосфолипид синдромли бирламчи нефропатияли беморларда клиник-лаборатор ва инструментал кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш;

АФС ва антифосфолипид синдромсиз бирламчи нефропатиянинг клиник кечиши ва иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал бўғини кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш;

АФС ва антифосфолипид синдромсиз бирламчи нефропатияда иммунитет цитокинлари ҳолатини баҳолаш;

антифосфолипид синдромли нефропатияда серологик маркерлар (ВА и α_2 -ГП I) нинг қон зардобидаги миқдорини аниқлаш;

ҳомилдорларда антифосфолипид синдром билан асоциирланган нефропатиянинг клиник кечиши ва иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар нефрология марказида назоратда бўлган 126 нафар беморлар ва 41 нафар соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва зардобини иммунологик, серологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, серологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда яллиғланишнинг ўткир фазаси оқсиллари (СРБ)

миқдорининг ортиши касалликнинг оғирлик даражаси ҳамда тромботик асоратлар юзага келиши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор антифосфолипид синдром билан ассоциирланган бирламчи нефропатияларда иммун тизим кўрсаткичларнинг буйраклар фаолияти, клиник-лаборатор ҳамда гемостаз тизими кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларда иммунитетнинг Т-хужайравий бўғини (CD3+, CD4+, CD8+) ва носпецифик резистентлиги (CD16+) кўрсаткичлари мутаносиб равишда пасайишининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

антифосфолипид синдром билан ассоциирланган бирламчи нефропатияларда яллиғланишга хос (ИЛ-1 β , ИФН- γ) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4) миқдорининг ўзаро номутаносиб ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антифосфолипид синдром билан ассоцирланган бирламчи нефропатияларни ташҳислашда ВА ва а β_2 -ГП I серологик маркерлари аниқланган;

антифосфолипид синдром билан ассоциирланган нефропатиянинг клиник кечишида оғир артериал гипертензия, қон ивиш тизими фаолияти ва буйраклар фаолиятининг турғун бузилиши исботланган;

АФСНли беморларда аниқланган иммун тизим ва қон ивиш тизими кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик, ушбу касаллик асоратларини башоратловчи ва ташҳисловчи мезон бўлиб хизмат қилиши исботланган;

антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатияларни патогенетик асосланган эрта ташҳислаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатиялар клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш ва ташҳислашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Касалликда яллиғланишнинг ўткир фазаси оқсиллари (СРБ), иммун тизими, клиник-биокимёвий ҳамда гемостаз тизими кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги, Т-хужайравий бўғини (CD3+, CD4+, CD8+) ва носпецифик резистентлиги (CD16+) кўрсаткичлари мутаносиб равишда пасайиши ва яллиғланишга хос (ИЛ-1 β , ИФН- γ) ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4) миқдорининг номутаносиб ортиши ва улар

орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти антифосфолипид синдром билан ассоциирланган бирламчи нефропатияларни ташҳислашда ВА ва α_2 -ГП I серологик маркерларини эрта аниқланиши, клиник кечишида оғир артериал гипертензия, қон ивиш тизими фаолияти ва буйраклар фаолиятининг турғун бузилиши аниқлаш, иммун тизим ва қон ивиш тизими кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ушбу касаллик асоратларини башоратловчи ва ташҳисловчи мезон бўлиб хизмат қилиши ва патогенетик асосланган эрта ташҳислаш усуллари такомиллаштирилиши касалликни эрта ташҳислаш, асоратларини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатиялар клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш ва ташҳислашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Антифосфолипид синдромли ва АФСсиз бирламчи нефропатияларнинг серологик маркерлари ва иммунологик хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма антифосфолипид синдром билан ассоциирланган бирламчи нефропатияларни ташҳислашда серологик ва иммунологик маркерларни аниқлаш, ташҳислаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилади;

«Бирламчи ва иккиламчи антифосфолипид синдром билан ассоциирланган нефропатияларнинг иммунологик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатиялар иммун тизим кўрсаткичлари ҳолатини эрта ташҳислаш ва таққослаш, аутоиммун жараён ривожланишини башоратлаш ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилади;

антифосфолипид синдромли келиб чиқиши турли бўлган нефропатиялар клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш ва ташҳислашнинг янги услулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар нефрология маркази, Тошкент тиббиёт академияси I ва III клиникалари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 8н-з/246-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар тиббий ёрдам сифатини оширади, ташҳислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали касалликнинг диализгача бўлган муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бирламчи нефропатиялар ва АФС-ассоциирланган нефропатиялар ҳақидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб, бирламчи АФСли нефропатия, турли хил генезли нефропатиялар (ҳомиладорлик), шунингдек, мазкур касалликларнинг иммунологик аспектларига бағишланган замонавий қарашлар ҳақидаги манбалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ҳамда клиник-иммунологик текширув усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув объекти тавсифи, қўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминлайдиган услубий ёндошув ва текширув усуллари келтирилган. Комплекс клиник-иммунологик текширув ва кузатувлар 126 нафар турли хил генезли нефропатиялар билан касалланган беморлар ҳамда 41 нафар назорат гуруҳини ташкил қилувчи соғлом кишиларда ўтказилган.

Нефропатия билан касалланган беморлардан: 52 нафарини АФСсиз бирламчи нефропатия билан касалланган беморлар; 24 нафарини АФС билан кечувчи бирламчи нефропатияли беморлар; 25 нафарини АФСсиз нефропатияли ҳомиладорлар ҳамда 25 нафарини АФС билан ассоциирланган нефропатияли ҳомиладорлар ташкил этди.

Беморлар Тошкент шаҳар нефрология марказининг нефрология бўлимида стационар даволашда ва амбулатор кузатувда бўлдилар.

Бирламчи нефропатия, шунингдек, АФС билан ассоциирланган нефропатия (АФСН) ташхиси ҳар бир текширилган беморнинг шикоят,

анамнези, умумий кўриги, лаборатор-инструментал кўрсаткичлари жамланган текширув картасига киритилган клиник-лаборатор маълумотлар асосида аниқланган. АФС ISTH (тромбозлар ва гемостаз Халқаро жамияти) [Miyakis S., 2006] классификацион клиник мезонларига мувофиқ аниқланган. Барча беморларда шунингдек, комплекс иммунологик тадқиқот ўтказилди.

Беморлар кузатуви анъанавий клиник, иммунологик ва инструментал-лаборатор усуллар бўйича олиб борилди.

Инструментал текширув усуллари: АФСга жуда ҳам хос бўлган полиорган шикастланишларни аниқлаш мақсадида барча беморларга буйраклар ва бошқа ички аъзоларнинг ультратовуш текшируви (УТТ), шунингдек, буйрак ичи томирларида тромботик жараён мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида буйрак томирларини дуплекс сканерлаш йўли билан интратенал томирларни ультрасонографик текшируви, яъни ультратовушли доплерография (УТДГ) ўтказилди.

Иммунологик текширувлар: периферик қонда CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD19+, CD25+, CD95+ лимфоцитлар LT сериясига тегишли моноклонал антителолар ёрдамида (ОО «Сорбент», Москва) ЎЗР ФА Иммунология институти томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмага мувофиқ (2004) аниқланди. Иммуноглобулинлар миқдори Manchini радиал иммунодиффузия усули билан (1969) аниқланди. Циркуляцияловчи иммун комплекслар (ЦИК) Naskova et al. (1978) усули билан Тошкент "Ниҳол" корхонасининг тест тўплами ёрдамида аниқланди.

Қон зардобдаги ИЛ-1 β , ИЛ-4 ва ИФН- γ цитокинлари миқдори ОО «Цитокин» (РФ, СПб) иммуноферментли тест-тўпламлари ёрдамида иммуноферментли анализ (ИФА) усули билан инструкцияга мувофиқ аниқланди. Волчанкали антикоагулянт (ВА) тромбоцитларга бой бўлмаган янги цитратли плазмада, фосфолипидларга боғлиқ бўлган коагуляцион тестларда қон қуюлиш вақтининг узайиши бўйича (инструкцияга мувофиқ) аниқланди. ВА-синамаси «Ренам» (Россия) реагенти ёрдамида қўл методи билан амалга оширилди. Қон зардобдаги IgG/IgM α_2 -ГП I миқдори Anti-beta-2-Glycoprotein I IgG/IgM («ORGENTEC Diagnostika» (ORG529), Германия) реагентлар тўплами ёрдамида ИФА усулида аниқланди.

Тадқиқот натижалари «Excel» стандарт дастурлари пакети ёрдамида IBM туридаги замонавий ҳисоблаш тизимларини қўллаган ҳолда статистик жиҳатдан қайта ишланди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш мақсадида r корреляцияси коэффицентини қўллаб, шунингдек, t Стьюдент ва Пирсон мезонлари ёрдамида унинг аҳамияти текширилиб корреляцион таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг «**Антифосфолипид синдром билан бирга кечувчи бирламчи нефропатиянинг клиник кечиши**» деб номланган учинчи бобида АФС билан бирга кечувчи бирламчи нефропатиянинг клиник симптоматикаси ҳамда лаборатор-инструментал кўрсаткичларини баҳолаш натижалари акс эттирилган. АФСсиз ҳамда АФС билан кечувчи бирламчи нефропатияли беморларда клиник симптоматиканинг ўрганилиши клиник вариантлардан келиб чиққан ҳолда касалликнинг турли-туман объектив ва субъектив

белгиларнинг ёрқин намоён бўлиши билан кечишини кўрсатди. Хусусан, бирламчи нефропатиянинг латент шакли фақат АФСсиз кечган (5,2%) бирламчи нефропатияли беморларда аниқланган, АФСНли беморлар орасида эса касалликнинг бу шакли аниқланмаган.

Касалликнинг гематурик шакли барча беморларнинг 6,5%да аниқланган; АФСН беморлари орасида эса у фақат 8,3%ни ташкил қилган, бу ўз навбатида адабий кўрсаткичларга мос келади. Клиник томонидан, мазкур шакл одатда макрогематурия эпизодлари билан доимий микрогематурия ҳолатида, айниқса турли ножўя омиллар (шамоллаш, совуқда қолиш, тукқандан кейинги даврда, захлик, эмлаш) натижасида юзага келади. Ушбу беморларда кўзга ташланадиган шишлар бўлмайди, камдан-кам ҳолатларда кўз ости салқигани ёки тўпиқлар шишганлиги кузатилади. Артериал қон босими кўрсаткичлари меъёр даражасида (114/74 мм.сим.уст.) бўлиб, бошқа ички органлар томонидан ҳам ҳеч қандай шикоятлар кузатилмаган.

Касалликнинг нефротик шакли билан оғриган беморлар 13,1%ни ташкил қилди ва бу ҳам адабиёт кўрсаткичларига зид келмайди. Клиникага мувофиқ, мазкур шакл касаллик секин-аста бошланиши билан ажралиб туради: тўпиқлар, тиззалар, юз, тери ости тўқималари шиши пайдо бўлиши; оғир кечишида эса асцит, гидроторакс, гидроперикардларнинг ривожланиш ҳолатлари кузатилган. Баъзи беморларда ўз-ўзидан ёки глюкокортикостероидлар (ГКС) билан даволаш вақтида артериал қон босимининг (ўртача 131/86 мм. сим.уст.) бироз кўтарилиши аниқланган. Касалликнинг мазкур шакли АФС мавжуд бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда кузатилган.

Нефропатиянинг гипертоник шакли умуман олганда 19,7% учрайди: АФС мавжуд бўлмаган бирламчи нефропатияли беморлар орасида у 7,7%, АФСН беморлари орасида эса 45,8%ни ташкил қилди ва бу беморларда бош оғриғи, бош айланиши, меҳнат лаёқатининг пасайиши, тинка қуриши, бел соҳасида симилловчи оғриқлар, вақти-вақти билан қовоқлар, юз ва тиззалар шишиши, сийдик миқдорининг камайиши; шунингдек кўнгил айниши, қусиш, овқатдан қолиш, чанқаш каби шикоятларнинг бўлиши кузатилди. АФСН беморларида нисбатан яққолроқ намоён бўладиган санаб ўтилган шикоятлардан ташқари, барқарор АГли баъзи беморларда шунингдек, юрак атрофида оғриқлар, юрак уриши, нафас қисиши, эмоционал беқарорлик, кўриш қобилиятининг заифлашганлиги ҳам кузатилган. Артериал қон босимининг кўрсаткичлари дастлабки вақтда интермиттирловчи характерга эга бўлиб, 140/90 мм.сим.уст.-дан 210/120 мм.сим.уст.гача ўзгариб турган ва ўртача 174/108 мм.сим.уст.ни ташкил қилган, вақт ўтиши билан эса доимий ва барқарор АГга айланган. Артериал қон босимининг анча юқори кўрсаткичлари асосан АФСН беморларида кузатилган.

Текширилганларнинг асосий қисмини касалликнинг аралаш шакли билан оғриган беморлар ташкил қилди (55,2%); нефротик ва гипертоник синдромларнинг биргаликда намоён бўлиши ва оғирроқ кечиши билан характерланувчи АФСН беморлари орасида эса бу кўрсаткич 45,8%ни ташкил қилди.

Хуллас, АФС мавжуд бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларга нисбатан яққолроқ намоён бўлувчи “буйрак” симптоматикаси, шунингдек,

адабиётларга кўра АФСНга жуда ҳам хос бўлган полисиндромлик билан кечувчи экстраренал симптомларнинг устун бўлиши АФСНнинг клиник хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бирламчи нефропатияли беморлар соғлом шахслардан гемоглобин даражасининг анча пастлиги ($p < 0,001$) ва шамоллаш жараёнининг фаоллигини акс эттирувчи СОЭ ($p < 0,001$) даражасининг юқорилиги билан фарқ қилади. Шу билан бирга АФСН мавжуд беморларда СОЭ даражаси нафақат соғломларга нисбатан, балки АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларга нисбатан ҳам юқори бўлиши кузатилди. Тромбоцитлар сони бўйича гуруҳлар орасида аниқ фарқ кузатилмади. Бироқ, АФСН мавжуд бўлган 54% беморларда тромбоцитлар сонининг камайиши аниқланди.

Беморлар қонининг биохимик таҳлили ўрганилганда, соғлом шахсларга нисбатан умумий оқсил миқдорининг ишончли камайиши (гипопротеинемия) АФС мавжуд бўлган бирламчи нефропатияли беморларда ҳам ($p < 0,001$), АФСсиз нефропатияли беморларда ҳам ($p < 0,001$) кузатилди.

Гипопротеинемия билан бир қаторда, диспротеинемия (альбуминлар миқдорининг ишончли камайиши ва глобулинларнинг ошиши - $p < 0,001$), шунингдек, адабиётларга кўра АФСНга хос бўлган гипергаммаглобулинемия ($p < 0,01$) ва гиперхолестеринемия ($p < 0,001$) ҳам кузатилди. СРБ зардоб даражаси иккала гуруҳда ҳам соғломларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,001$). АФСНга хос бўлган тизимли персистирловчи «high grade» яллиғланиш билан боғлиқ ҳолда СРБ даражасининг меъёрий кўрсаткичлардан (0-6мг/л) деярли 3 баробар юқори бўлиши асосан оғир даражада кечувчи АФСНли беморларда (33%) кузатилди. Шу билан бирга АФСсиз нефропатияли беморларнинг 14% ида СРБ миқдорининг соғломларга нисбатан деярли икки баробар ортиши кузатилди. Бу эса тадқиқотчиларнинг, АФСда СРБ концентрациясининг ошиши нефро- ва кардиоваскуляр асоратлар пайдо бўлишининг юқори хавфи ҳамда артериал тромбозларнинг юзага келиши билан ўзаро боғлиқ, деган фикрини яна бир бор тасдиқлайди.

Мочевина ($p < 0,001$) ва креатинин миқдорининг ($p < 0,001$) ошиши, ҳам АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда, ҳам АФСНли беморларда буйрак (нишон-орган)нинг шикастланиш даражасини кўрсатади.

Пешобнинг умумий таҳлилининг ўрганиш иккала гуруҳ беморлари пешобида ҳам оқсил мавжудлигини кўрсатди, бироқ яққол протеинурия АФСНли беморларга нисбатан ($p < 0,05$) АФСсиз бирламчи нефропатияли беморларда кузатилди, бу эса, тахмин қилинганидек, АФСсиз бирламчи нефропатияли беморлар орасида касалликнинг нефротик ва аралаш шакли кўплиги билан боғлиқ. Пешобда эритроцитларнинг мавжудлиги 50% ҳолатларда ва асосан микрогематурия кўринишида кузатилган бўлиб, бу ҳолат ҳам адабиётларга зид келмайди.

Буйрак функцияси ҳолатининг таҳлили (Реберга синамаси), иккала гуруҳ беморларида ҳам КФ пасайиши ($p < 0,001$) назорат гуруҳига нисбатан деярли бир хил эканлигини кўрсатди. Буйрак фильтрацион функциясининг АФСНли беморларнинг деярли барчасида бузилиши, мазкур симптомни АФСНда устун (доминант) белги деб ҳисоблашга имкон беради. АФСНли беморларнинг бир

қисмида (25%) қондаги креатинин миқдори меъёрда бўлган ҳолда КФнинг алоҳида (изолирланган) пасайиши этиборни тортди ва адабиётларга кўра бу ҳолатни АФСда томирлар шикастланишини кўрсатувчи тромботик микроангиопатия (ТМА) нинг эрта намоён бўлувчи махсус (специфик) клиник белгиси сифатида тавсифлаш мумкин.

Буйрак ичи томир ўзанининг вазоокклюзив шикастланиши туфайли юзага келган буйрак гемодинамикаси бузилишини аниқлаш мақсадида 24 нафар АФСНли беморда ҳамда 20 нафар АФСсиз бирламчи нефропатияли беморларда буйрак томирлари УТДГ ўтказилди. Рангли доплер картирлаш режимида буйракнинг дистал томирларида қон айланишининг кучсизланиши; импульс-тўлқинли режимда интратенал артерияларда, айниқса ёйсимон ва бўлақлараро артерияларда қон айланишининг тезкорлиги кўрсаткичларининг пасайиши буйрак паренхимаси ишемиясининг билвосита белгилари сифатида баҳоланди. Буйрак ичи қон айланишининг бузилиш даражасини баҳолаш мақсадида Н. Л. Козловская томонидан ишлаб чиқилган, буйрак қон томирларидаги ўзгаришлар даражасини кўрсатувчи шкаладан фойдаланилди.

Хусусан, АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда буйрак ичи қон айланиши меъёрда эканлиги аниқланди (Н.Л.Козловская шкаласи бўйича 1 балл), АФСНли беморларда эса оғирлик даражасига кўра қуйидаги томирга оид ўзгаришлар аниқланган:

а) ўртача ишемия (2 балл): асосан ўртача оғирликдаги АФСНли беморларда (70%) кузатилди – буйрак ичи қон айланишининг кучсизланиши, сегментар артерияларнинг нормал параметрлари фонида ёйсимон ва бўлақлараро артерияларда тезлик кўрсаткичининг пасайиши;

б) яққол ишемия (3 балл): асосан кечиб даражаси оғир бўлган АФСНли беморларда (30%) кузатилди - буйрак ичи қон айланиши бўлақларо артерияларга қадар кузатилади, бўлақлараро ва сегментар артерияларда тезлик пасайган.


Олинган натижалар АФСН буйрак ичи микроциркуляциясининг тромботик шикастланиши билан боғлиқ бўлган ишемик нефропатиянинг бир варианты эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай қилиб, клиник-лаборатор, инструментал текширувлар таҳлилига кўра, АФСНга хос бўлган белгилар: турғун АГ; буйрак функциясининг, энг аввало филтрацион функциясининг бузилиши; СРБ концентрацияси ошиши ҳамда буйрак ичи қон айланишининг бузилиши. Буйрак шикастланиши синдромидан ташқари, сезиларли полиморфизм билан намоён бўлувчи юрак, асаб, ошқозон-ичак тизимлари ва бошқа ички аъзолар шикастланишининг клиник белгилари ҳам АФСНга хос белгилардир. УТДГ текширувида кузатиладиган буйрак қон айланишининг пасайиши белгиларини буйрак паренхимаси ишемиясининг билвосита белгилари сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «**Антифосфолипид синдром билан бирга кечувчи бирламчи нефропатиянинг иммунологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобда АФСНли беморларда иммунологик кўрсаткичлар ва уларнинг лаборатор кўрсаткичлар билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги, шунингдек, серологик маркерларни аниқлаш бўйича олинган натижалар ёритилган.

Нефропатияли беморлар иммун тизими ҳолатини ўрганиш натижалари АФСНли беморларда нисбатан яққолроқ бўлган Т-иммунтанқисликни кўрсатди ($P < 0,001$). Т-хелперлар миқдорини ўрганиш уларнинг ҳам назорат гуруҳига нисбатан ($29,2 \pm 0,83\%$, $P < 0,001$ $37,1 \pm 0,74\%$ га нисбатан), ҳам АФСсиз нефропатияли беморлар кўрсаткичига нисбатан ($34,2 \pm 0,68\%$, $P < 0,001$) ишончли пасайганлигини кўрсатди. Т-цитотоксик лимфоцитларнинг нисбий миқдори иккала гуруҳ беморларида ҳам назоратдагиларга ($P < 0,01$ и $P < 0,001$) нисбатан пасайиши кузатилган бўлса, абсолют миқдорлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ қилмаса-да, ошишга мойил эканлиги кузатилди.

АФСН беморларида $CD8+$ хужайралари миқдори ҳамда лаборатор кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижасида $CD8+$ хужайралари абсолют миқдорининг СРБ ($r = -0,301$) ҳамда пешобда гиалинли цилиндрларнинг пайдо бўлиши ($r = -0,632$) билан ўзаро тескари корреляцион боғлиқ эканлиги аниқланди, яъни $CD8+$ хужайраларининг камайиши қонда СРБ концентрацияси ҳамда пешобда гиалин цилиндрларининг ошишига имкон беради, бу эса иммуннояллиғланиш жараёнини янада яққол кўрсатади.



1-расм. АФС ва АФС сиз бирламчи нефропатияли беморларнинг иммун тизим кўрсаткичлари

Иммунорегулятор индекс (ИРИ) кўрсаткичи ўрганилганда иккала гуруҳ беморларида ҳам унинг пасайишга мойиллиги кузатилди. Носпецифик резистентлик кўрсаткичларининг таҳлили АФСсиз нефропатияли беморларда ЕК-хужайралар ($CD16+$) нисбий миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичидан фарқ қилмаганлигини, АФСНли беморларда эса уларнинг ишончли пасайганлигини ($P < 0,001$) кўрсатди.

В-лимфоцитлар ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, $CD19+$ хужайраларининг нисбий миқдори ҳам назорат гуруҳига нисбатан ($24,6 \pm 0,77\%$) ($P < 0,001$), ҳам АФСсиз нефропатияли беморлар кўрсаткичига нисбатан ($26,3 \pm 0,62\%$) ($P < 0,01$) ошди.

В-лимфоцитлар абсолют кўрсаткичи Реберг синамасининг КФ каби кўрсаткичи билан тескари корреляцияланиши аниқланди ($r = -0,332$). ТМАнинг эрта белгиларидан бири бўлган КФнинг пасайиши В-лимфоцитлар абсолют сонининг ошишига олиб келади ва касалликнинг кечиш даражаси билан боғлиқ.

Зардобдаги иммуноглобулинлар концентрациясини аниқлаш шуни кўрсатдики, АФСНли беморларда IgG ўртача миқдори $1762,5 \pm 63,80$ мг/%ни ташкил қилди, бу эса АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморлардаги ($1490,6 \pm 29,41$ мг/мл) ($P < 0,001$) кўрсаткичдан шубҳасиз юқори, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан эса 1,5 баробар юқори ($1146,1 \pm 36,64$ мг/%) ($P < 0,001$).

IgA даражаси иккала гуруҳ беморларида ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан юқори эканлиги аниқланди ($P < 0,001$), АФСНли беморларда эса шубҳасиз ($P < 0,001$), АФСсиз нефропатияли беморларга нисбатан бу кўрсаткич юқорилиги кузатилди. АФСНли беморларда IgM миқдори ҳам назорат гуруҳига нисбатан ($P < 0,001$), ҳам солиштирма гуруҳга нисбатан ($P < 0,001$) ишончли юқори бўлган бўлса, АФСсиз беморларда бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан ишончли ошмади. Шуни таъкидлаш лозимки, нисбатан яққолроқ юқори кўрсаткичлар АФСНли беморларда кузатилди ($P < 0,001$).

АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда ЦИК фаоллиги 2,5 баробар ($P < 0,001$) ($128,2 \pm 2,71$ шартли бирлик), АФСНли беморларда эса назорат гуруҳига нисбатан қарийб 3 баробар ($145,3 \pm 2,20$ шартли бирлик назорат гуруҳида $51,2 \pm 1,99$ шартли бирликка қарши) ортганлиги кузатилди.

АФСНли беморларда CD25+-лимфоцитлар миқдорининг ҳам АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморлар гуруҳига нисбатан ($29,5 \pm 0,63\%$) ($P < 0,01$), ҳам назорат гуруҳига нисбатан ($28,1 \pm 0,97\%$) ($P < 0,001$) ишончли ортиши кузатилди ($32,2 \pm 0,75\%$). АФСНли беморлар периферик қонидаги апоптоз антигенини экспрессловчи - CD95+ хужайралари миқдорининг нисбий ($31,6 \pm 1,05\%$) ва абсолют ($763,2 \pm 62,89$ мкл) кўрсаткичлари ҳам соғломларга нисбатан ($25,1 \pm 0,93\%$ ва $460,0 \pm 33,08$ хуж./мкл), ҳам АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларга нисбатан ($27,2 \pm 0,68\%$ ва $598,9 \pm 32,09$ хуж./мкл) ишончли ортганлиги ($P < 0,001$ ва $P < 0,02$) аниқланди.

Цитокинлар миқдорининг ўзгаришини таҳлил қилиш яллиғланиш цитокини ИЛ-1 β даражаси иккала гуруҳ беморларида ҳам сезиларли ($P < 0,001$ и $P < 0,001$) ортганлигини кўрсатди. Бирламчи нефропатияли беморларда ИЛ-1 β концентрациясининг ортиши нисбати назорат гуруҳига нисбатан 12,7 баробарни ташкил қилган бўлса, АФСНли беморларда бу кўрсаткич 18,4 баробарни ташкил этди.


Яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 даражасининг АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда ҳам ($P < 0,001$), АФСНли беморларда ҳам ($P < 0,001$) назорат гуруҳига нисбатан 1,9-2,0 баробар ошганлиги кузатилди, бу эса цитокинлар тармоғидаги мутаносибликнинг бузилганлигини кўрсатади.

Ўрганилган кўрсаткичлар асосида ИЛ-1 β /ИЛ-4 нисбати коэффиценти соғломларда 1,1га; АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда – 7,4га; АФСНли беморларда эса бу кўрсаткич 10,1га тенг эканлиги аниқланди.

Яллиғланиш цитокинларидан яна бири бўлган ИФН- γ миқдори ўзгариши ўрганилганда АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморларда ИФН- γ концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 24,8 баробар ортиши ($P < 0,001$), АФСНли беморларда эса ҳатто 30,0 баробар ортиши ($P < 0,001$) кузатилди.

ИФН- γ /ИЛ-4 нисбати коэффиценти ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди: соғломлар – 0,5; АФС бўлмаган бирламчи нефропатияли беморлар – 6,6 ҳамда АФСНли беморлар – 7,5.

Шундай қилиб, АФСНли беморларнинг цитокин профили ҳам яллиғланиш цитокинлари (ИЛ-1 β , ИФН- γ), ҳам яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-4) ишлаб чиқарилишининг юқори бўлиши билан ажралиб туради, бу ҳолат эса мазкур касаллик ривожланиши цитокин тармоғида яққол дисбаланс юз бериши билан бирга кечишини кўрсатади.



2-расм. АФС ва АФС сиз бирламчи нефропатияли беморларнинг иммун тизим цитокинлари кўрсаткичлари

АФСНли беморларда гемостаз тизими ва иммунологик кўрсаткичларнинг математик таҳлили, мазкур кўрсаткичларнинг ижобий ва тесқари корреляцион ўзаро боғлиқлигининг яққол намоён бўлишини кўрсатди. Жумладан, иммунологик кўрсаткичлар билан ВАни аниқловчи плаз. КВБТ; плаз. ЛВРЯ; ПТИ%; фибриноген, шунингдек, ПТВ, КФП, КВБТ ва АЧТВ каби гемостаз кўрсаткичлари нисбатан ёрқин корреляцияланганлиги аниқланди.

Гемостазнинг юқорида келтирилган кўрсаткичларининг умумий жамланмаси АФС, хусусан АФСНнинг лаборатор мезонларидан бири бўлган ВАнинг қонда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашга имкон беради. Гемостаз кўрсаткичларининг иммунологик кўрсаткичлар билан ўзаро яққол корреляцион боғлиқлиги ВА аниқланган беморларда клиник симптоматиканинг нисбатан яққолроқ бўлишига туртки бўлади, бу эса ўз навбатида АФСНнинг эрта диагностикасида прогностик аҳамият касб этиши мумкин.

